



2017 йил 21 май

№ 462 қ

**Нурабад туманидаги "Омондара", "Тегирмонбоши" маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун ер майдони таъинлаш ва ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 феврал куни Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишида профилактика инспекторларига муносиб турмуш шароитларини яратишга, айниқса уларни уй-жой билан таъминлаш юзасидан берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган объектлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар беришни тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссияси аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссия аъзоларининг "Омондара" маҳалласи ҳудудидан милиция таянч пункти профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобида бўлган кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан 200.0 кв.м. ер майдонини таъинлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин ва ер майдони ажратиб берилсин.

2. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га "Омондара" маҳалласи ҳудудидан милиция таянч пункти профилактика инспекторини уй-жойнинг ер майдонини натурал тарзда ўлчаб берилиши, қурилиш учун АРТ-1-2 хужжатлари ҳамда шаҳарсозлик талаблари асосида лойиҳа хужжатлари ва белгиланган муддатларда фойдаланишига топширилиши бўйича доимий мониторинг ўрнатилиши ишларини амалга ошириш вазифаси топширилсин.

Туман ҳокими



Ф. Заиров